Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 50 (20. 617) • 1990 йил 28 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР, ЎЗБЕКИСТОН ССР, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАР, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ, МАҲАЛЛА ВА УЙ-ЖОЙ КОМИТЕТЛАРИ, УҚУВ ЮРТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ПАРТИЯ, УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА МЕҲНАТ АҲЛИ ҚИЗҒИН КУТИБ ОЛДИ ВА ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, ҚАЙТА ҚУРИШДА ФАОЛ ҚАТНАШАЙЛИК

Биз барча халқ депутатларини, барча партия, совет, давлат идораларини, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларини, республиканинг барча соғлом кучларини, республиканинг бутун аҳолисини қонунга қатъий риоя этишга, ирғогарлар ва жиноятчиларга қатъиян зарба беришга, қайта қуришни улардан ҳимоя қилишга, ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашга, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлашга, тинч меҳнат ва тинч ҳаётни таъминлашга даъват этамиз, тинч турмушни ва Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг фаровонлигини таъминлаш учун ҳамма ишни қилишга чақирамиз

(СССР, Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар халқ депутатларининг, маҳаллалар ва сайловчилар жамоатчилигининг республика аҳолисига Мурожаатномасидан).

КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссиясида

КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси КПСС Марказий Комитетига тушган ва оммавий ахборот воситаларида баён этилган таклифларни умумлаштириб, «КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби» лойиҳасини тайёрлади. Ушбу лойиҳани бундан кейин билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми муҳокамасига тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳа

КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАШ ТАРТИБИ

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби партияда кенг муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар съезд натижалари энг аввало делегатлар составига боғлиқ эканлигини адолатли деб ҳисоблаб бу масалага катта аҳамият беришмоқда. Улар КПСС съездига, шунингдек иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига, ўлка, область партия конференцияларига муқобил асосда делегатлар сайланиши кераклигини, ҳар бир коммунистга мамлакат олий партия анжумани составини тузишда қатнашиш имкониятини беришни қатъий талаб қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари, коммунистлар ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг қуйидаги тартиби тақдим этилади.

Съезд делегатлигига номзодларни бошланғич партия ташкилотлари кўрсатадилар. Кам сонли ташкилотларнинг коммунистлари бу имкониятларни район, шаҳар партия комитетлари ўтказадиган қўшма мажлисларда амалга оширадилар. Бунда беллашувни, муқобилликни, номзодларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларига холис баҳо беришни таъминлаш зарур. Улар қайта қуриш жараёнида ўзларини ижобий жиҳатдан кўрсатган ҳамда партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашишга лаёқатли бўлган обрўли партия аъзолари, ишчилар синфининг деҳқонлар ҳамда зиёлиларнинг муносиб вакиллари бўлиши муҳимдир.

Номзодлар партия ташкилотларида ва оммавий ахборот воситаларида партия сиёсати ва амалий ишларнинг асосий масалалари юзасидан ўз позициясини баён этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Партия ташкилотлари ўз номзодлари бошқа партия ташкилотларида қўллаб-қувватланиши юзасидан иш олиб боришлари мумкин.

Кўрсатилган номзодларни делегатлар сайлаш тартибига қараб район, шаҳар партия конференцияларида муҳокама қилиш мумкин. Бунда район ёки шаҳардаги КПСС аъзоларининг умумий сони, турли таклифлар киритиш имконияти ҳисобга олинади. У ёки бу номзодни қўллаб-қувватлаш қай даражада кўламли ва фаол эканлиги назарда тутилади. Йиғилишлар ва конференцияларда номзодларни кўрсатишга доир қарорлар қатнашчиларнинг хоҳишига қараб очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул этилади. Кўрсатилган номзодларнинг рўйхати эълон қилинади.

(Давоми иккинчи бетда).

ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 27 февраль (ТАСС). Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг «Мир» комплекси ичида орбитал парвозининг учинчи ҳафтаси бошланди.

Бугун экипаж «Квант—2» модулининг системалари ва ускуналарини учувчи бошқарадиган комплекснинг умумий контурига улаш тадбирларини ўтказмоқда. Космонавтлар, жумладан қайта жиҳозлаш модули двигателлари ва базавий блоки ишини бошқариш системаларини бирлаштиришга доир операцияларни бажаришларига тўғри келади.

Очиқ космик коннотнинг конструкция материаллари ва радио электрон аппаратларнинг элементларига таъсирини ўрганиш борасидаги тажрибалар давом этмоқда. «Квант—2» модулининг ташқи қисмига ўрнатилган ана шу намуналарнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот телеметрия каналлари орқали ерга мунтазам келиб турибди.

Кеча ўтказилган медицина текшируви натижаларига кўра, Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг саломатлиги яхши.

Орбитадаги ишлар давом эттирилмоқда.

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

«Республикада мураккаб муаммолар кўп, халқимизнинг катта бунёдкорлик ишлари кўп...» — бу сўзларни куни кеча радио орқали эшитдим, газетадан ўқидим.

Ана шу сўзлар халқ депутатлари, маҳаллалар ва сайловчилар жамоатчилиги номидан республика аҳолисига Мурожаатнома тарзида айтилди. Дарҳақиқат республикада социал-иқтисодий муаммолар анчагина. Лекин халқимизнинг катта бунёдкорлик ишлари ҳам кўп.

Биз, металлургларнинг Мурожаатномада баён қилинган даъватларни бажонидил қабул қиламиз. Негаки, унда бунёдкорликка бел боғлаган меҳнаткаш кишиларнинг, эл-юрт фаровонлиги ҳақида ўйлаётган зиёлиларнинг фикри-зикри очиқ-ойдин ифода этилди. Ҳақиқатан ҳам бунёдкорлик соҳасида қилган ва қиладиган ишларимиз озмунча эмас.

Шундай бўлишига қарамай, айрим енгилтак кишилар «ҳамма иш гап билан битади, бақириқ-чақириқлар билан масала ҳал этилади» деб янглиш ўйламоқдалар. Ахир биз тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимини қонуний асосда, демократия ва ошкоралик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз. Бироқ бу гап баъзи бир унсурлар томонидан нотўғри тушунилмоқда. Бундай шахслар кишиларни ҳалокатли йўлга бошлашга уринмоқдалар, миллий туйғулардан, қайта қуриш қийинчиликларидан ўз ғаразли мақсадларини кўзлаб фойдаланиш ҳаёлида юрибдилар. Шу ниятларини рўёбга чиқариш учун партияга, армияга, совет тузумига туҳматлар, бўҳтонлар ёғдирмоқдалар.

Буни биз баъзи-баъзида учраб турган ноҳуш ҳолатларда яқкол кўриб турибмиз. Тартибсизликлар, ур-йиқитлар, зўравонлик қилишни келтириб чиқарадиган ҳоллар такрорланмаслиги керак. Чунки бизнинг асосий ишимиз бунёдкорликдан иборат. Тоғолди маскани бўлган Бекобод кейинги вақтларда гуллаб-яшнаган ишчилар шаҳрига айланди. Бу ерда металлургларнинг, энергетиклар ва бошқа касб эгалари бахамжиҳат бўлиб ишлаб, иқтисодиётга кўлларидан келганича мадад бериб келмоқдалар.

Бекобод кўз ўнгимизда юзага келган бунёдкорлик тимсолидир. Биз металлургларнинг шаҳримизда осойишталик бўлиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қилмоқдамиз. Бу изчил йўлни қатъият билан давом эттираверамиз.

Р. ЮСУПОВ,
Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводининг меҳнат ветерани.

ЭЛ НИЯТИ—ЭЗГУЛИК

Революцион қайта қуриш барча меҳнаткашларда фаоллиқни қўзғатган, кенг ижтимоий кучларни ҳаракатга келтириб турган бир пайтда баъзи носоғлом фикрли кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли бутун мамлакатимизда қийин, мураккаб вазият юзага келди. Шу маънода биз, ижодкорлар ҳам СССР, Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар халқ депутатларининг, маҳаллалар ва сайловчилар жамоатчилигининг республика аҳолисига Мурожаатномасини қўллаб-қувватлаймиз, уни айни муддао бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Мурожаатда ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёсатбозларнинг демократияга зид, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, миллий нифоқ, ижтимоий душманлик, жаҳолат ва шафқатсизликни, ташвиш ва ишончсизликни вужудга келтиришга уринишларига яхши ниятли инсонлар ҳеч қачон тоқат қила олмаслиги ўз вақтида жуда тўғри таъкидлаб ўтилди.

Миллий туйғулардан, қайта қуришнинг қийинчиликлари ва мураккабликларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, партияга, армияга, совет тузумига туҳмат ва бўҳтонлар ёғдираётганлар, тартибсизликлар, жанжаллар келтириб чиқаришга уринаётганлар қаттиқ янглишадилар. Қалта ўйлаш ҳеч қачон эзгу моҳият касб этмаган, этмайди ҳам. Шундай экан, бу «ватанпарварлар», «халқпарварлар» ўз хатти-ҳаракатларини яхшилаб ўйлаб кўришларини истардик. Ахир, халқ эзгуликка, яхшиликка, янгиликка денгиз бўлиб, шиддатли тўлқин бўлиб интилаётган бир пайтда қандай қилиб қатрадан уммон ясаш мумкин!

Биз уларни ҳар хил ҳаракатлар ва муносабатларини йиғиштириб, барча соғлом фикрли кишилар билан аҳил-иноқ, дўст-биродар яшаган ҳолда давримизнинг долзарб муаммоларини ҳамнафасликда ҳал қилишга ҳисса қўшишга даъват этардик. Улар иш жойида ўзларига топширилган ишни уддалаш учун жумҳуриятимизда, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишларга кўмаклашиш учун қайғурсалар, жон куйдирсалар яхши бўларди.

Мурожаатда қайд этилганидек, кун тартибида турган долзарб муаммоларга қанчалик эътибор бериб, уларни ҳал этишга нечоғлик кўпроқ ҳисса қўшсак, инсоний бурчимизни, масъулиятимизни шунчалик уддалаган бўламиз.

Наби РАҲИМОВ,
СССР халқ артисти.
Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

• Томорқа—кони фойда

Баҳор эшик қоқмоқда. Деҳқон қадрдон даласига отланиб, экин-тикин мавсумига қадам қўяётир. Бу йилги мавсумнинг ўзига хос жиҳати бор: қишлоқ меҳнатчилари шахсий ёрдам хўжаликларини юритишлари ва якка тартибда уй қуришлари учун томорқа ерлари билан таъминлаш иши давом эттириляпти.

Учқўрғон райони хўжаликларидаги 8 мингдан зиёд оила 700 гектардан кўп майдонни қўшимча ер сифатида олди. 1 минг гектарга яқин ер уч мингдан кўп оилага якка тартибда уй-жой қуришга ажратилди. Бундай имконият пахта майдонларининг қисқартирилиши ҳисобига юзага келди. Район бўйича пахта тайёрлаш ҳажми умуман 8 минг тоннага камайтирилди.

Иш қизғин: бир томонда янги ойнавандли иссиқхоналар қуриляпти, бўлажак боғларга мева кўчатлари пешма-пеш келтириляпти. Ўтган йили район бўйича 700 мингта кўчат етиштирилди, ҳозирда эса помидор кўчатларининг миқдори 4,5 миллион донага етказилди.

Хўжаликлар кўчат етиштиришдан катта наф кўришмоқда. Масалан, «Ленинград» колхозида лимон кўчатлари тайёрлаш ҳисобига 35 минг сўм фойда олинди. Сабзавот кўчатлари сотиш ҳисобига эса камида 200 минг сўмдан кўп наф олиш мўлжалланмоқда.

ЕР ТАҚСИМЛАНЯПТИ

Бу сурат ана шу хўжаликда олинган: Хўжалик шофёри А. Аҳмедов (чапда) бригада бошлиғи М. Бозороддан кўчат қабул қилиб олаётир. Машина ҳайдовчисига қўшимча 9 сотих участка берилди.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Когон районидаги «Коммунизм» колхози марказий ремонт устахонасида баҳорги экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилди. Бугунгача 600 дан зиёд мола, 18 та тирма, 10 та ҳайдов трактори созлаб қўйилди. Бунда К. Ёдгоров Н. Музаффаров, Ю. Жўраев ва О. Баратовларнинг ҳиссаси катта.

Н. ОМОНОВА.

* * *

Сирдарё райони пахтакорлари янги мавсумга пухта ҳозирлик кўришаётир. Ҳозир далаларга маҳаллий ўғитлар чиқариш, шўр ювиш, яхоб бериш ишлари қизитиб юборилди. Бу борада «Ленинград», Ильич номли колхозлар, «Малик» совхози пахтакорлари пешқадам.

А. БУРЛИЕВ.

* * *

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози механизаторлари барча турдаги техника воситаларини кўкламга шайлаб қўйишди. 65 та ҳайдов, 90 та чопиқ тракторлари, 61 та сеялка, 36 та тирма, 43 та мослама, 25 та мола тўла созланди. Бу ишда Э. Юнусов, А. Ўринов, Э. Жўраев сингари механиклар фаоллик кўрсатишди.

Б. МАҲМУДОВ.

МУЛОҚОТ БОШЛАНДИ

26 февраль куни ЧССР Президенти В. Гавел амалий ташриф билан Москвага келди.

Внуково аэропортида уни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Президент Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

* * *

Шу куни СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев Кремлда В. Гавел билан учрашди. Тушдан кейин кенгайтирилган составда Совет — Чехословакия музокаралари бўлиб ўтди. Совет томонидан музокараларда В. А. Крючков, Ю. Д. Маслюков, Э. А. Шеварднадзе, Д. Т. Язов; Чехословакия томонидан ЧССР Президентига ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар қатнашдилар. Мулоқот натижасида СССР билан ЧССР ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Декларация қабул қилинди, Декларация матбуотда эълон қилинади.

Э. А. Шеварднадзе билан Чехословакия ташқи ишлар министри И. Динстбир совет қўшинларини Чехословакия территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги Совет — Чехословакия ҳукуматлараро битимини имзоладилар.

Чехословакия давлатининг бошлиғи шарафига совет раҳбарияти номидан зиёфат берилди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАРКИБИДА БАЪЗИ РАЙОНЛАРНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1988 йилда тугатилган марказий Қозонкетган қишлоқ аҳоли пунктидаги Бўзатов районини тиклаш ва унинг таркибига Кегайли районидаги Ерқиндарё ва Қозонкетган, Мўйноқ районидаги Аспантой ва Чимбой районидаги Кўксув овулларини бериш тўғрисидаги Фармони тасдиқлансин.

2. Халқ депутатлари Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё область Советлари ижроия комитетларининг Ўзбекистон ССР таркибида 1988 йилда тугатилган қуйидаги районларни тиклаш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин:

Бухоро области бўйича: маъмурий маркази Бешработ қишлоқ аҳоли пунктида бўлган Навбаҳор райони тикланиб, унинг таркибига Навоий районидаги Олчин, Арабсарой, Гигант, Қизил Октябрь, Туркистон ва Янгиқўрғон қишлоқлари берилсин.

Қашқадарё области бўйича: маъмурий маркази Помуқ қишлоқ аҳоли пунктида бўлган Баҳористон райони тикланиб, унинг таркибига Усмон Юсупов районидаги Помуқ, Советобод ва Чаманзор қишлоқлари берилсин.

Самарқанд области бўйича: маъмурий маркази Гўзалкент қишлоқ аҳоли пунктида бўлган Большевик райони тикланиб, унинг таркибига Пастдарғом районидаги Гўзалкент, Ильич номли, Калинин номли ва Чимбой қишлоқлари берилсин.

Сирдарё области бўйича: маъмурий маркази Зарбдор қишлоқ аҳоли пунктида бўлган Зарбдор райони тикланиб, унинг таркибига Зомин районидаги Бўстон шаҳар посёлкаси ва Ленин йўли, Ударник ҳамда Янгикент қишлоқлари берилсин.

Маъмурий маркази Наврўз қишлоқ аҳоли пунктида бўлган **Комсомол райони** тикланиб, унинг таркибига Янгиер районидаги Баҳор, Олтинўрда, Меҳнатобод, Мирзачўл, Навбаҳор, Оржоникидзе номли ва Советобод қишлоқлари берилсин.

Маъмурий маркази Қаҳрамон қишлоқ аҳоли пунктида бўлган **Меҳнатобод райони** тикланиб, унинг таркибига Янгиер районидаги Баҳористон, Бинокор, Зафаробод, Қаҳрамон ва Йўлдошобод қишлоқлари берилсин.

Янгиер райони тугатилган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ НАРИМАНОВ ШАҲРИНИ ТУГАТИШ ВА УНИНГ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРКИБИГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советлари ижроия комитетларининг Тошкент областидаги Нариманов шаҳрини тугатиб, унинг территориясини Тошкент шаҳри таркибига бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

2. Таърифига ва график тасвирига мувофиқ Тошкент шаҳри чегараларига қисман ўзгартишлар киритилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ ТАРКИБИДА СЎҲ РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг Фарғона область таркибида маркази Равон қишлоқ аҳоли пунктида бўлган Сўҳ районини тузиб, унинг таркибига Риштон районидаги Охунбобоев номли, Равон, Сўҳ ва Ҳушёр қишлоқларини бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЛЕНИН РАЙОНИ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЛЕНИНСК ШАҲАР СОВЕТИНИНГ МАЪМУРИЙ БЎЙСУНУВИДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг Ленин районининг территориясини халқ депутатлари Ленинск шаҳар Совети маъмурий бўйсунувидан чиқариш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРКИБИДА БЕКТЕМИР РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Тошкент шаҳри таркибида Бектемир районини тузиб, унинг таркибига Тошкент шаҳрининг Тошкент областидан берилган собиқ Нариманов шаҳри чегараларидаги территориясининг бир қисмини бериш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 27 февраль.

Диққат: янги рубрика

Мерос

Яқин йилларгача мерос сўзини ишлатишдан ҳадиксирар эдик. Мана энди ҳаётимизнинг барча қирраларига ошкоралик, демократия, қайта қуриш тобора чуқурроқ кириб бораётгани сари, ўтмишга, босиб ўтган йўлимизга адолат кўзи билан қараётганимиз туфайли жуда кўп маънавий бойликларимиз қаторида мерос тушунчасини ҳам бошқача англамоқдамиз. Уни том маънодаги маънавият жавоҳироти ва хазинаси бўлган тушунча сифатида тан олмоқдамиз.

Ота-боболаримизнинг қалб қўри, меҳр зиёси билан бунёд этилган осори атиқалар, жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган илму урфон намуналари, буюк шеърий даҳоликлар, халқимизнинг ўзига хос маданий ва маънавий ақидалари, анъаналари мерос сифатида бизга қайтмоқда. Йиллар давомида буйруқбозликнинг, маъмурийчиликнинг, ҳар бир халқ ўтмишига муносабат ва миллий маданиятлар ривожининг ленинча принципларидан чекинишларнинг оқибатларини бутунлай тугатмоқдамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида «Мерос» харакатномаси ишлаб чиқилди. Бу халқимизнинг бой ўтмишидан баҳраманд бўлиш, унинг беқиёс хазинаси сарчашмаларидан фойдаланиш имконини беради.

Бугун ана шу мавзуга бағишланган дастлабки саҳифани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

(Учинчи бетга қаранг).

КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАШ ТАРТИБИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибини партия ташкилотларидаги аҳволни улар фаолияти шарт-шароитларини ва коммунистларнинг фикрини ҳисобга олиб, область, ўлка партия ташкилотларининг, иттифоқдош республикалар компартияларининг пленумлари белгилайди. Бунда бир ва кўп мандатли партия сайлов округларида делегатларни тўғридан-тўғри сайлаш мумкин.

Бир мандатли сайлов округларида сайлов. Ер ҳолда пленум КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказувчи комиссияни сайлайди. Комиссия бошланғич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетларининг таклифига биноан партиявий структура ҳамда КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган вакиллик нормасини ҳисобга олиб, партия сайлов округларини тузади. Округлар бир неча район (шаҳар) партия ташкилотларини қамраб олиши мумкин. Округларда округ сайлов комиссиялари тузилади.

Округ сайлов комиссияси бошланғич партия ташкилотларидан сайлов ўтказилишини назорат қилади, коммунистлар съезд делегатлигига номзодлар билан танишишлари учун шарт-шароит яратади, округ бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрлайди ва бошланғич партия ташкилотларини улар билан таъминлайди, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлайди.

КПСС XXVIII съездига делегат сайлашга доир яширин овоз бериш бюллетенига округ бошланғич партия ташкилотларида кўрсатилган барча номзодлар, округлар бир неча район (шаҳарлар)ни қамраб олган жойларда эса район (шаҳар) партия конференциялари қўллаб-қувватлаган номзодлар киритилади.

Сайлов округи доирасида съезд делегатини сайлаш юзасидан яширин овоз бериш бошланғич (бошланғич ташкилот ҳуқуқи бўлган цех) партия ташкилотларида ўтказилади. Бу ташкилотлар шу мақсадда ҳисоб комиссияларини сайлайдилар. Мазкур ташкилот ҳисобида турадиган коммунистлар рўйхати асосида район, шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайлашга ўхшаш сайлов ўтказилади.

Округдаги КПСС аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган сайлов ҳақиқий ҳисобланади. Бирор бир номзод сайловда қатнашганларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олмаган округларда биринчи даврада энг кўп овоз тўплаган икки номзод қайтадан овозга қўйилади.

Партия комитети пленуми тузган комиссия КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлови якунларини область, ўлка партия конференциясига ёки иттифоқдош республика Компартияси съездига маълум қилади. Агар округ бўйича сайлов бўлмади, деб ҳисобланса, шунингдек овозга қўйилган номзодлардан бирортаси, шу жумладан қайта сайловдан кейин ҳам етарли овоз олмаган тақдирда область, ўлка партия конференцияси, иттифоқдош республика Компартиясининг съезди бўш қолган мандат учун КПСС съездига бевосита делегат сайлайди.

Кўп мандатли сайлов округларида сайлов. Бундай ҳолда пленум район, шаҳар партия конференциялари қўллаб-қувватлаган барча номзодларни муҳокама қилади ва область, ўлка, республика барча партия ташкилотлари учун ягона бўлган КПСС XXVIII съезди делегатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқлайди. Пленум КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказиш область, ўлка, республика комиссиясини тузади.

Номзодлар рўйхати улар ҳар бирининг қисқа таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар билан бирга матбуотда эълон қилинади. Комиссия ушбу рўйхат асосида яширин овоз бериш бюллетенини тасдиқлайди. Зарур миқдорда бюллетенлар тайёрлаб, уларни бошланғич партия ташкилотларида сайловни ташкил этадиган район, шаҳар партия комитетларига юборади. Район, шаҳар партия комитетлари шу мақсадда ҳисоб комиссияларини тузадилар. Ҳисоб комиссиялари ҳам бошланғич (цех) партия ташкилотларида сайланади.

Партия комитети пленумида тузилган комиссия область, ўлка партия конференциясига, иттифоқдош республика Компартияси съездига овоз бериш натижаларини маълум қилади. Область (ўлка) партия ташкилоти, иттифоқдош республика Компартияси составининг ярмидан кўпроғи овоз беришда қатнашган бўлса, сайлов ўтганлиги тан олинади. Сайлов бўлмаган ёки бўш мандат қолган ҳолларда делегатлар сайлови бевосита область, ўлка партия конференциясида, иттифоқдош республика Компартияси съездида ўтказилади.

Кўп мандатли сайлов округлари район (шаҳар) партия ташкилотлари группалари бўйича тузилиши мумкин. Бу ҳолда уларнинг ҳар бирида округ сайлов комиссиялари тузилади.

Область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорига мувофиқ коммунистлар сони КПСС Марказий Комитети белгилаб берган вакиллик нормасига мос келадиган ёки ундан кўпроқ бўлган бошланғич партия ташкилотларига съездга бевосита делегатлар сайлаш ҳуқуқини бериш мумкин. Бундай ҳолда партия ташкилоти бир мандатли ёки кўп мандатли сайлов округини тузади. Сайланган делегатлар область, ўлка партия ташкилотларидан иттифоқдош республикалар Компартияларидан КПСС XXVIII съезди делегатлари умумий сонига киритилади.

Амалдаги КПСС Уставига биноан партия съездига делегатлар область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланиши мумкин. Агар шу тартиб қабул этилса, сайлов жараёни имкони борича демократиялаштирилиши керак. Бу ҳолда сайлов бошланғич партия ташкилотларида кўрсатилган ва район (шаҳар) партия конференцияларида қўллаб-қувватланган номзодлар орасидан муқобиллик асосида ўтказилади.

Овоз бериш натижаларини аниқлаш чоғида, ҳозир амалда бўлган КПСС Уставида белгиланган тартибдан фарқли равишда, бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз олган, аммо овоз беришда қатнашган КПСС аъзолари — конференция, съезд делегатлари овозларнинг ярмидан кўпроғини олган номзодлар КПСС XXVIII съездига сайланган делегатлар деб ҳисобланиши лозим.

Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибига ўзгариш киритиш зарурати туғилмоқда. Илгари улар территориал партия ташкилотларининг делегатлари билан биргаликда сайланар эди. Бу гал уларни ҳарбий округлар, флотлар, қуролли кучлар қўшилмалари, турлари, ички қўшинлар бошқармалари ва чегара қўшинлари округларининг партия конференцияларида бевосита сайлаш таклиф этилади. Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флотининг чет элларда турган қисмлари партия ташкилотларидаги коммунистларга келганда, улар аввалгидек XXVIII съезд делегатларини қўшинларнинг қўшилмалари партия конференцияларида сайлайдилар. Бунда ҳарбий хизматчи бўлган коммунистлар территориал конференцияларнинг, иттифоқдош республикалар компартиялари съездларининг ишида амалдаги тажрибага биноан қатнашадилар, улар тегишли партия органларига сайлашлари ва сайланишлари мумкин, бироқ территориал партия ташкилотларидан КПСС съездига делегатлар сайлашда қатнашмайдилар.

Чет элларда ишловчи совет муассасаларининг партия ташкилотларига Москва шаҳрида ўтказилиши мумкин бўлган партия конференциясида съезд делегатларини сайлаш имкониятини бериш мақсадга мувофиқдир.

Комиссиянинг фикрича, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг таклиф этилаётган тартибидан бошқа партия съездлари ва конференцияларига делегатлар сайлашда фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Область, ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездлари КПСС XXVIII съезди номига партия марказий органлари составига номзодлар юзасидан партия ташкилотларининг фикрларини эътиборга олиб ишлаб чиқилган таклифларни юборадилар, деб ҳам белгилаб қўйилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

ТУРМУШ ТАҚОЗОСИ

ТАССнинг парламентдаги мухбирлари хабар берадилар

26 февраль куни СССР Олий Советининг учинчи сессияси Кремлда ўз ишини давом эттирди. Эрталаб палаталарнинг алоҳида мажлислари очилди.

Иттифоқ Совети депутатлари муҳокамасига СССР Министрлар Совети тақдим этган фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий режими тўғрисидаги қонун лойиҳаси топширилди. СССР адлия министри В. Ф. Яковлев ҳукумат номидан гапириб, қонун лойиҳасининг зарурлиги ҳар қандай жамиятда кўплаб одамлар учун хатарли бўлган кескин вазият вужудга келиши мумкинлиги билан изоҳланади, деди. Кейинги вақтдаги воқелик ана шундай фожиали ва хилма-хил вазиятларга бой бўлди. Бундай вазиятларнинг қаерда рўй берганлиги ҳаммага маълум: Чернобиль ва Спитак, Фарғона ва Тоғли Қорабоғ, Боку ва Душанбе. СССР Конституцияси фавқулодда ҳолат жорий этилишини кўзда тутади, аммо тартибни йўлга солиб турадиган қонун, у билан боғлиқ асослар ва тадбирлар моҳияти ифодалаб берилмаган. Бу эса ҳокимият ва бошқарув органларини ё журъатсизлик ва ҳаракатсизликка ёхуд ўринсиз чоралар қўлланишга олиб келади.

Қонуннинг вазифаси жамоат турмушини, одамларнинг ҳаёт таъминотини нормаллаштиришга, жамоат тартибини тиклаш ва сақлаб туришга оид таъсирчан чораларни шошилинч қабул қилиш учун ҳуқуқий имкониятлар беришдан иборат. Фавқулодда кескин вазиятларнинг сабаблари турлича, албатта — табиатнинг стихияли кучидан ортиб, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни бузадиган оммавий намойишларгача бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, тақдим этилаётган қонун лойиҳаси барча сабабларни тўла-тўкис бартараф эта олмайди, бироқ одамлар саломатлиги ва ҳаёти манфаатларини кўзлаб уларнинг бирмунча олдини олиши ёки пасайтириши мумкин.

Миллатлар Совети иттифоқдош ва автоном республикаларда иқтисодиётга ва социал соҳага раҳбарликнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.

Қонун лойиҳасида биринчи марта ССР Иттифоқининг узил-кесил ваколати белгилаб берилганлиги ҳам муҳимдир. Иттифоқдош, автоном республикалар ва бошқа миллий-территориал тузилмаларнинг республикалар марказ ихтиёрига ўтказадиган ва барча республикаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган, мустақил хўжалик юритиш ҳамда умуминтифоқ бозори доирасида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиши учун ҳуқуқий омиллар ва иқтисодий шарт-шароитни вужудга келтирадиган масалалардан ташқари ўзларининг иқтисодий ва социал ривожланишига оид барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи белгилаб берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИ ИМКОНИЯТЛАРИ

27 февраль куни Тошкентда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон олимлари қатнашдилар. Бўлимининг 1989 йилдаги иш якунлари муҳокама қилинди.

Ўрта Осиёнинг қишлоқ хўжалиги фани жуда катта имкониятларга эга эканлиги йиғилишда уқтириб ўтилди. Бу ерда 80 тадан кўпроқ илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, технология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва олий ўқув юртлари жойлашган. Уларнинг ишида ўн минглаб илмий ходимлар, икки мингдан кўпроқ фан кандидати ва юзлаб фан доктори қатнашмоқда. Улар тармоқ фанини юксалтириш, илм-фан аҳлларининг ишлаб чиқариш ходимларига ёрдамини кўпайтириш учун анча-мунча иш қилмоқдалар.

Регион республикаларида қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги, қайта ишлаш ва хизмат қилиш тармоқларининг илмий муассасаларини бирлаштирувчи яхлит система вужудга келтирилган. Шу йилдан бошлаб ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг ҳамма илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш бўлинмалари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказилди.

Афсуски, мана шу жуда катта имкониятлардан ҳали ҳаддан ташқари самарасиз фойдаланилаётганини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва унинг институтлари ҳозирча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига суст таъсир ўтказмоқдалар. Пахтачиликдаги, сабзавотчиликдаги (айниқса усти ёпиқ ерга экилган сабзавотчиликдаги), ғаллачилик ва емхашак экинлари етиштиришдаги ҳосилдорлик паст.

Асримизнинг сўнгги чораги мобайнида пахтачилик технологиясига муҳимроқ ўзгаришлар киритилгани йўқ. Ҳолбуки, республикада барпо этилган «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бутуниттифоқ пахтачилик технология маркази бўлиш ролидан, афсуски, маҳрум бўлиб қолмоқда. Ундаги тадқиқотларнинг савияси паст, ишда изчиллик давомийлик йўқ. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги муаммолари хусусида ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими шанига доимий танқидий гаплар айтиб келинмоқда. Тўғри, кейинги бир неча йил мобайнида биринчи марта бултур Ўзбекистонда тўртта янги нав районлаштирилди. Аммо бу муваффақиятнинг нафи жуда кам бўлди. Республиканинг табиий-иқтисодий зоналари хилма-хил эканлигини эътиборга олганда, ҳали ҳам тўқимачиларнинг талабларини қондира оладиган сермаҳсул навлар мутлақо етишмаяпти.

Уяларга аниқ миқдорда чигит экиш, қатор ораларни юмшатишни механизациялаш даражасини ошириш, ғўза суғоришни машиналаштириш, пахтани машинада териш ва тўкилиб қолган пахтани йиғиштириб олиш пайтида унинг нобуд бўлишини тугатиш — пахтачиликни механизациялашнинг энг долзарб муаммоларидир. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти шу пайтгача барпо этилган машина-механизмларни жорий этиш ишида муносиб қатъият кўрсатмаяптилар.

Бир неча йиллар мобайнида «Средазсельхозмеханизация» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси турли вазифаларни бажарадиган ва экинларни чопиқ қиладиган кучли тракторлардан фойдаланиш масалаларини ўрганиб келмоқда. Аммо шу дамга қадар яқин истиқболдаги трактор паркининг структураси белгилаб олингани йўқ.

Ўрта Осиё республикаларида ижара ва пудратнинг ҳар хил турлари тобора кенг қулоч ёзмоқда. Бироқ Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтида мана шундай шароитда машина-трактор паркидан фойдаланишнинг аниқ концепцияси ҳамон ишлаб чиқилмаган, институт конструкторлари ихчам машиналарни ишлаб чиқиш билан амалда шуғулланмаяптилар.

● Тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтилди

● Ғўза селекцияси ва уруғчилиги муаммолари

● Агросаноат комплекси моддий базаси ривожланади

● Илмий ишланмалар самарадорлигини ошириш

Йиғилиш иштирокчилари аҳолини картошка билан таъминлашдаги тақчиллик регионда ҳали ҳам камайтирилмаганини таъкидлаб ўтдилар. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти етиштириб берган картошка уруғлиги шу пайтгача ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилмаган. Институт олимлари вируссиз картошка етиштириш устида беш йилдан бери ишлаётган бўлсалар ҳам, деҳқонлар ихтиёрига унинг уруғлиги топширилганича йўқ.

Ўрта Осиё республикаларида фан билан ишлаб чиқариш ҳали ҳам тарқоқ ҳолда ишламоқда. Олимлар бирикки йилдан кейин жорий қилиш учун нималарни тайёрлаётганликларини ишлаб чиқариш ходимлари билмайдилар. Шу сабабли улар фан-техника тараққиёти ютуқларини тез ўзлаштириш учун зарур базани тайёрлаб қўя олмаяптилар.

Барпо этилган еттита илмий-тадқиқот системаси бу соҳада сезиларли иш қилгани йўқ. Улар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш суръатларига дуруст таъсир ўтказмади. Агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга илм-фаннинг таъсирини кучайтириш аввало, тадқиқотлар даражасини, уларнинг комплекслилигини оширишга боғлиқ.

Агросаноат комплексини илмий жиҳатдан таъминлаш учун масъул бўлган ташкилот сифатида ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими сув хўжалиги ва мелиорация, регион тупроқларини ўрганиш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш ва янги технологияларни яратиш каби муҳим комплекс муаммоларга бағишланган тадқиқотлар ўтказилишига фаол таъсир қилмаяпти. Бошқача қилиб айтганда, Озиқ-овқат программасини илмий жиҳатдан таъминлашнинг бутун-бутун блоклари бўлимининг таъсир доирасидан четда қолиб кетди.

Ҳозир региондаги экология вазиятининг ёмонлашганлиги айниқса жиддий эътиборни талаб қилади. Булар барча олимлар учун биринчи галда шуғулланиш лозим бўлган муаммолардир.

Орол денгизи муаммоси юзасидан 1990—2010 йилларгача мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастури ишлаб чиқилган бўлса, энди Тожикистон алюминий заводининг учқунлари атроф-муҳитни заҳарлаётганлиги муаммоси ҳам унинг ёнига қўшилди. Бу муаммоларни ҳал этишга барча илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари бош қўшишлари керак.

Йиғилишда илмий, кадрлар тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди. Бу — илм-фанни қайта қуришнинг бош масалаларидан биридир. Илм-фандаги муваффақиятни инсон белгилаб бериши ҳеч кимга сир эмас. Илмий ходимларнинг малакаси муносиб даражада бўлмаса, бу соҳага ҳар қанча маблағ сарфланса ҳам, ҳар қанча ўта замонавий асбоб-ускуналар олиб берилса ҳам, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Афсуски, кадрларни тайёрлаш ҳозирча зарур даражага кўтарилгани йўқ.

Иқтисодий вазият ва қайта қуришнинг бориши фан-техника тараққиётини қатъият билан жадаллаштириш ҳозирги бош вазифа эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдирмоқда. Бутун мамлакатда бўлгани каби регионда ҳам агросаноат комплексининг моддий базаси аниқ-равшан тарзда ўзгартирилмоқда, фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаси кучайтирилмоқда, тадқиқотларнинг тажриба-эксперименталь базаси мустаҳкамланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё республикаларидаги қишлоқ хўжалиги олимлари салбий тенденцияларни бартараф эта олишларига, илмий ишланмаларнинг самарадорлигини ошириш учун имкониятларни қидириб топишларига умид уйғотмоқда.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

● Иқтисодий ислоҳот йўлида

БУРИЛИШ

Янгийўл мебель фабрикаси кўзгусида иқтисодий кўрсаткичлар тобора яхшиланиб бораётир. Бунинг сири нимада? Ишчи-хизматчилар бу саволга оддийгина қилиб: «Фаоллик кўрсатиб ишламоқдамиз. Цехларни замонавий ускуналар билан қайта созламоқдамиз», деб жавоб беришади.

Чиндан ҳам корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари тўхтатилмай, цехларда замонавий ускуналар ўрнатиш иши жадал давом этмоқда. Мукаммал технология жараёнларини тез ва соз бажарадиган дастгоҳларнинг ўрнатилиши туфайли маҳсулот сифати яхшиланмоқда.

Корхона ҳаётидаги туб бурилишда меҳнатчиларнинг куч-ғайрати билан бирга директор С. Сафунинг тадбиркорлиги, ишга янгича ёндашуви алоҳида кўзга ташланаётир. Корхона раҳбарлари узоқни кўра биладиган тажрибали ташаббускор. Ишчи-хизматчилар ташаббусини ҳам доимо қўллаб-қувватлайди.

Мебель фабрикаси ўтган йилги натижаларга кўра мамлакатимиздаги турдош корхоналарнинг энг илғори сифатида тан олинди. Ишчи-хизматчилар бу йил ҳам пешқадамликни қўлдан бермаслик учун астойдил ғайрат қилмоқдалар. Маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 19,5 миллион сўмга етказишга қарор қилинди. Планда эса бу рақам 11 миллион сўмга тенг кўрсатилган эди. Айни чоғда маҳсулот турларининг ярми янгиланади.

Суратларда: 1. (чапдан ўнгга). Технолог А. Холмирзаев, инженер-конструктор У. Неъматов ва бош конструктор В. Хван ўзаро мулоқотда. 2. Марказий лаборатория ишчиси М. Сулаймонова бўёқ учун зарур эритмани тайёрламоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратлари. (ЎзТАГ).

Кўп болали оналарга мукофотлар

СССР Олий Совети Президиумининг 1990 йил 22 февраль Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 256 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

26 февраль куни Москвада очилган «Жиноятчиликнинг олдини олиш стратегияси» мавзуидаги семинар ҳуқуқбузарликка қарши курашда халқаро миқёсда тажриба алмашишга ёрдам бериши лозим. Семинарни СССР Ички ишлар министрлиги, БМТ билан ҳамкорликда иш олиб борадиган Хельсинкидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш Европа регионал институти ташкил этди.

Семинарда 24 мамлакатдан келган мутахассислар, юристлар, ҳуқуқшунос олимлар қатнашмоқда. Улар орасида БМТ Вена бўлимининг, Жиноий ишлар полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол)нинг, шаҳарларда хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи Европа анжуманининг, жиноий ҳуқуқ халқаро уюшмасининг вакиллари бор. (ТАСС).

Республика Министрлар Советининг мажлисидан

АВАРИЯ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

3 февраль куни Каттақўрғон ёғ-мой комбинатидаги ёғли кислоталарни тозалаш цехи чиқиндилари йиғиладиган жойда дамбанинг бузилиши оқибатида авария содир бўлди. Таркибида ишқорлар ва бошқа зарарли моддалар санитария нормаларида белгилаб қўйилганидан неча ўн баравар кўп бўлган жуда булғанган оқавалар Қорадарёга тушириб юборилди.

Нега авария содир бўлди? Республика Министрлар Советининг Президиуми бу масалани пухта ўрганиб чиқди.

Содир бўлган вазиятда комбинат ва Каттақўрғон шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари йўл қўйиб бўлмайдиган сусткашлик қилдилар. Самарқанд область ижроия комитетининг раҳбарлари содир бўлган воқеадан огоҳлантирилмади, аҳоли бехабар қолди, бунинг оқибатида ҳар хил ақл бовар қилмайдиган миш-мишлар ва уйдирмалар тарқалди.

Авария оқибатида Зарафшон дарёси ифлосланганлиги сабабли бир қанча шаҳарлар ва аҳоли пунктларини сув билан таъминлашда мураккаб вазият юзага келди. Навоий шаҳрида аҳоли хонадонларига иссиқ ва совуқ сув юбориш тўхтатилди, уйлар иситилмади, кўпгина корхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар ва бошқа объектлар ёпилди. Авария оқибатлари халқ хўжалигига жиддий зарар етказди, деб таъкидланди мажлисда.

Гарчи авария оқибатларини батамом бартараф этиш учун кўп вақт зарур бўлса ҳам шошилинч чоралар кўрилиши туфайли 6 февраль оқшомигача вазиятни асосан нормаллаштиришга муваффақ бўлинди.

Комбинат раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларига масъулиятсиз қараганликлари авариянинг асосий сабаби бўлди. Чиқиндилар тўпланадиган жой лойиҳа-смета ҳужжатларисиз чўкадиган замин устига қурилган, мабодо авария юз берадиган бўлса, унинг олдини олиш учун зарур техникавий ечимлар назарда тутилмаган.

«Узпишчепром» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси ва Каттақўрғон шаҳар ижроия комитети раҳбарлари ҳам бундан хабардор эдилар. Лекин узоқ вақт мобайнида улар фойдаланиш хавфсизлигининг барча талабларига жавоб берадиган чиқиндиларни тўпловчи дурустроқ жой қуриш учун зарур тадбирларни кўрмадилар. Самарқанд область ижроия комитети ҳам бунга парво қилмади.

Комбинатда кўп йиллардан бери табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун талаблари қўпол тарзда бузилаётганлигига давлат санитария, сув назорати органлари ҳам принципсизлик, кўнгилчанлик билан қарадилар, мазкур органлар кескин чоралар кўриш ўрнига ўз ишларини топшириқлар бериш ва озроқ жарималар солиш билангина чеклаб келдилар.

Зарафшон дарёси узоқ йиллар мобайнида кўпдан-кўп чорвачилик комплекслари ва фермалари, бўрдоқичилик базалари, қишлоқ хўжалик химияси объектлари ҳамда бошқа корхоналарнинг чиқиндилари туфайли, шунингдек, дарё қирғоқларига ахлат ташланаётгани сабабли муттасил булғанмоқда, деб таъкидланди мажлисда. Самарқанд область ижроия комитети ушбу регионда зарур санитария тартибини ўрнатиш учун чоралар кўрмади. Бунинг оқибатида Зарафшон ҳозирги вақтда республикадаги энг ифлос дарёлардан биридир. Натижада Навоий шаҳри, бошқа аҳоли пунктларини хўжалик мақсадларига мўлжалланган ва ичимлик сув билан таъминлашда ҳамиша мушкулликлар пайдо бўлмоқда ҳамда санитария-эпидемиология нуқтаи назаридан жиддий хавф юзага келяпти.

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси Т. Р. Қиличова атроф-муҳитни муҳофаза этиш ишида сусткашликка йўл қўйгани, бу ишнинг муҳимлигига етарлича баҳо бермагани, хўжалик раҳбарларига талабчанлик қилмаётгани, областда табиатни муҳофаза этиш ишига назоратсизлиги ҳамда уни ташкил этиш учун чоралар кўрмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. А. Абдуллаев Зарафшон дарёси воҳасидаги ҳамда умуман областдаги оғир экология вазияти шароитидаги фаолиятсизлиги учун жиддий жазоланиши лозим эди, аммо у бу лавозимда ишлаётганига кўп вақт бўлмаганини ҳисобга олиб, қатъий огоҳлантириш билан чекланишга қарор қилинди.

Министрлар Совети область ижроия комитети раҳбарлари зиммасига содир бўлган воқеадан жиддий хулосалар чиқариб олиш, табиатдан фойдаланиш нормалари ва қоидалари бузилишига барҳам бериш учун таъсирчан чоралар кўриш вазифасини юклади.

Аварияннинг олдини олиш ва тугатишда зарур чоралар кўрмагани, табиатни муҳофаза этиш тадбирларини бажариш учун корхона раҳбарларига етарлича талабчанлик қилмагани учун Самарқанд область ижроия комитетининг қарори билан Каттақўрғон шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Эшимоева қаттиқ ҳайфсан эълон қилингани, шунингдек, бошқа мансабдор шахсларга нисбатан жазо чоралари белгиланган ахборот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг буйруғи билан Каттақўрғон ёғ-мой комбинати директори А. А. Тўхтаев эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Комбинатда табиатни муҳофаза этишга оид зарур тадбирлар тасдиқланди.

Мерос

Ўзбекистон халқларининг тарихий ва маданий меросини авайлаб-асраш ҳамда ташвиқот қилиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг бурчимиздир

Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури:

Узбекистон тарихи ва маданиятининг айрим даврларини ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш юзасидан изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари, масалан, «Наврўз» баҳор байрамини ўтказиш ва шу сингарилар тикланмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа маданий марказларда тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Ўқув юртларида Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва турмушини ўрганиш юзасидан махсус курслар очилмоқда.

«Совет Ўзбекистони» давра суҳбати

Халқимиз мероси — бебаҳо хазина. Ана шу мавзуда уюштирилган давра суҳбатида Қўлёзмалар институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси А. ҚАЮМОВ, шу институт етакчи мутахассиси Ф. СУЛАЙМОНОВА, Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари С. СТРИЖНЕВ, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги архитектура ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Ф. АШРАФИЙ, Ҳамза номли Санъатшунослик институти сектор мудирлари А. ЖУМАЕВ, Э. РТВЕЛАДЗЕ, А. УМАРОВ, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги таъмирлаш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари П. ЗОҲИДОВ иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мафкура бўлими мудири Ш. С. ЗИЁМОВ бошлаб берди.

Ш. ЗИЁМОВ: — Мамлакатимизда қайта қуриш жараёни тобора чуқур илдиз отмоқда. Узоқ тарихга эга халқимиз ўртасида ўзининг асрий маданий меросига эътибори кучаймоқда. Бироқ бу соҳадаги ишлар миқёсини янада кенгайтириш заруратга айланди. Республика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мафкура ҳайъатида қабул қилинган Ўзбекистон халқларининг тарихий ва маданий меросини авайлаб асраш, таъмирлаш ҳамда ташвиқ қилиш «Мерос» ҳаракатномаси муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагича:

Ҳаракатноманинг асосий вазифаларидан бири маданий меросни ўрганиш, ташвиқ қилиш ва сақлашнинг методологияси ҳамда методик назариясини ривожлантиришдир. Унинг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат:

— таг-заминли асарлар, монографиялар ва илмий-оммабоп китоб ва рисолалар яратиш учун мунтазам илмий-тадқиқот ўтказиш. Қадим замонлардан то шу кунгача бўлган даврни ўз ичига олувчи «Ўзбекистон ССР тарихи» ва «Ўзбекистон санъати тарихи»ни тайёрлаш, «Ўзбекистон санъатининг кичик тарихи» ва «Ўзбекистондаги тарихий ва маданий ёдгорликлар умумлашмаси» кўп томликларини нашр этишни тезлаштириш, Ўзбекистоннинг мусиқаси, театри, киноси, халқ амалий санъати, халқ профессионал бахшичилик ва адабий ижодкорлик тарихи бўйича босқичма-босқич асарлар ва дарслик яратиш;

— Ўзбекистон халқларининг тарихига бағишланган ва уни ташвиқот қилувчи бадиий, бадиий-публицистик альбомлар, ҳужжатли асарлар, кино-видеофильмлар, мусиқавий, театр, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари, шаҳарсозлик ва меъморчилик лойиҳалари, тақвимлар, открыткалар, рангли суратлар яратиш;

— Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар ва посёлкаларининг шаҳарсозлик ва меъморчилигидаги анъаналарни ҳисобга олган ҳолда монументал ташвиқот режасини ишлаб чиқиш, археология ва меъморчилик ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлашни, ноёб тарихий ва бадиий маданият объектларини музейлаштириш ҳаракатномасини амалга ошириш, жумҳуриятдаги йирик тарихий марказлар — Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Термиз, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича комплекс лойиҳалар тайёрлаш;

— оммавий-ахборот воситалари, телевидение ва радио орқали ўтмишдаги буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар, мусаввирлар, мутриблар, актёрларни кенг ташвиқот қилиш, концертлар, адабий-мусиқавий, театр кечаларни уюштириш, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказиш, кўргазмалар ташкил этиш, ўтказилаётган тадбирларга кенг халқ оммасини, жамоатчилик ташкилотларни ва уюшмаларини, фан, адабиёт ва санъат намояндаларини жалб этишдан иборат.

Мен яна баъзи масалалар бўйича фикрларимни билдирмоқчиман. Кейинги йилларда тарихий мавзудаги нашрлар, Ўзбекистоннинг адабиёт ва бадиий маданияти тарихига бағишланган рисолалар ҳажми, кўлами бирмунча камайди. Ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон адабиёти ва маданияти тарихини ўқитиш соатлари етарли эмас. Ўзбекистон халқларининг кўп қиррали маънавий меросини шакллантирган адабиёт, меъморчилик, театр, тасвирий санъат, мусиқа, кино, халқ амалий санъати намояндалари ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатув ва эшиттиришларга кенгроқ ўрин бериш зарур. Мамлакатимиздаги турли халқлар маданий меросини ўрганишга жиддий эътибор бермадик. Бошқарувдаги бир ёқламалик ва маъмурий-буйруқбозлик усули маънавиятни чеккага суриб қўйди. Тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Энди ана шу камчиликларни бартараф этиш вақти келди. Халқимиз ўз ўтмишининг бой, маънавий меросига тўла эга бўлиши керак. Ўйлаймизки, зиёлиларимиз, олимларимиз ва ёзувчиларимиз ана шу чанқоқликни бартараф этишда фаол қатнашадилар.

Бунинг учун қатор тадбирларни амалга ошириш, барча имкониятларни, куч-ғайратларни бир жойга жамлаб, халқ меросини чуқур ўрганишга сафарбар этиш лозим.

Нашриётлар моддий техника базаси ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Уларнинг имкониятларини кенгайтириш, нашрлар сифатини ошириш чораларини кўриш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган китобот санъати анъаналарини чуқурроқ ўрганиш, уларни давр руҳига мослаштириш учун мутахассисларни тайёрлаш ва мавжудларининг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак.

Халқимизнинг узоқ ўтмиши алоҳида тадқиқотни, воқеликка объектив муносабатда бўлишни талаб этади. Бундай пайтда олим ва мутахассисларимиз асрлар давомида юз берган воқеаларга ҳаққонийлик билан қарашлари лозим. Мунозаралар кескинлиги, эҳтиросларнинг жўшқинлиги ва ҳиссиётга эрк бериш билан эмас, балки ақл-идрок билан, халқимизга хос донишмандлик ва вазминлик билан йўлга қўйилиши керак. Тарихий шахслар, дейлик Бобур ва шунга ўхшаган кишилар юзасидан тадқиқотларда уларнинг фақат шахсинигина эмас, бутун меросини, ўша давр зиддиятларини, шу зиддиятлар замиридан келиб чиққан воқеалар ва муносабатларни, ижтимоий муҳит ва унинг таъсирини чуқурроқ ўрганиш, ана шулар асосида тарихий шахсларга баҳо беришни йўлга қўйишимиз лозим.

Тарихий ва маданий меросимизни ўрганиш учун Шарқшунослик, Қўлёзмалар институтлари мавжуд. Уларнинг жамғармаларида катта ҳажмдаги маданий мерос бор. Лекин хорижий мамлакатларда ҳам Ўрта Осиё халқлари тарихига оид ноёб асарлар мавжудки, улар алоҳида изланишни ва фидойиликни талаб этади. Ана шундагина Беруний, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Фурқат, Муқимий, Чўлпон сингари ўнлаб, юзлаб алломаларимиз ижодини ўрганишдаги узилишларни бартараф этган бўламиз. Бундай алломаларнинг бой меросини ўрганишни йўлга қўйиш чораларини кўрмоғимиз керак. Ҳиндистон, Франция, Англия, Туркия ва бошқа мамлакатларга илмий экспедицияларни уюштириш режаларини тезроқ тузмоғимиз лозим.

Тарихий обидаларни сақлаш борасидаги ишларни тубдан ўзгартириш ва яхшилаш керак. Жумладан, буни умумхалқ ҳаракатига айлантирайлик, дейман. Боболаримиз бутун санъатини кўз-кўз қилиб қурган осори атиқаларни таъмирлаш биттагина ташкилотнинг иши эмас. У умумхалқ маънавий бойлиги экан, умумхалқ меҳру-мурувватига, эътиборига ҳам лойиқдир. Шунинг учун жойлардаги раҳбар ташкилотлар, муассасалар масъулиятни чуқурроқ ҳис қилишлари керак. Халқларимиз диққат эътиборини асрий обидаларни сақлаш ва қўриқлашга даъват этмоқлари лозим.

Мен юқорида меросни ўрганиш ва дунёқарашимизни тарихий анъаналаримиз билан шакллантириб бориш тўғрисида гапирган эдим. Бу эса биринчи навбатда китоб нашри ҳажмини кескин кўпайтириш, вақтли матбуот, радио ва телевидение имкониятларидан мумкин қадар тўлиқроқ фойдаланишни тақозо этади.

Дарвоқе Владимир Ильич Ленин Ўрта Осиё халқлари маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берган эди. Унинг кўрсатмаси ва қўл қўйган Декрети асосида Ўрта Осиёда биринчи марта давлат дорилфунуни ташкил этилди. Бир гуруҳ рус олимлари Тошкентга келиб ўзбек фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Буларнинг ҳаммаси маданий меросга ленинча муносабатнинг ёрқин намунасидир.

Москва, Ленинград ва мамлакатимизнинг бошқа марказий шаҳарларидан келган Бартольд, Бертельс, Беляев, Болдирев сингари алломаларнинг Ўрта Осиё халқларининг маданий-тарихий меросини ўрганишдаги хизмати катталигини бугун таъкидлашимиз жоиз. Уларнинг шогирдлари айни пайтда Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтларида, бошқа илмий даргоҳларда актив фаолият кўрсатишмоқда.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград қамалда қолган оғир ва фожиали бир пайтда ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг юбилейини рус зиёлилари кўтаринки руҳ билан нишонлаган эдилар. Бу — уларнинг Шарқ маданияти тарихига ва бой меросига бўлган қизиқишларидан, меҳр-муҳаббатларидан далолатдир.

Эрмитажда, Салтиков-Шчедрин кутубхонасида ва бошқа жойларда ўзбек халқи тарихига оид қимматли асарлар бор. Улар ана шу қизиқиш ҳамда бундай маънавий бойликларни авайлаб-асраш ниятида у ерга олиб кетилган. Айни пайтда **республикамизда катта илмий имконият вужудга келган, ҳар қандай қиматбаҳо меросни асраб-авайлаш имкониятлари вужудга келган бир даврда халқимиз тарихига оид буюмларни ва қўлёзмаларни қайтариб олиб келиш мумкин дейман. Мамлакатимиз марказий шаҳарларида туриш биз учун фахр. Бироқ уларни ўрганиш имконияти чегараланиб қолиши мумкин.** Ана шу мақсадда республика Маданият министрлиги, Фанлар академияси ва унинг тармоқ институтлари бу ишларни ўйлаб кўришлари керак.

А. ҚАЮМОВ: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти бошқа қардош илмий муассасалар билан бирга маданий меросни оммалаштириш юзасидан айрим ишларни амалга оширмоқда. Жумладан Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг тўла асарлар тўпламини, «Ўзбек адабиёти бўстони» номли кўп жилдлик адабиёт ёдгорликларини нашр этмоқда. 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти адабий ёдгорлик — «Хотира» нашрларини тиклайди. Дастлабки нашрларга буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилиши мўлжалланган. Қўлёзмалар институтининг «Адабий мерос» илмий тўпламида бадиий обидалар муттасил нашр этилади. Шу билан бирга «Китобхон» жамияти билан ҳамкорликда энг қадимий ёдгорликлар, яъни Ўрхун — Енисей битиклари, сўғд ва эски уйғур ёзувидаги ёдгорликлар, айрим ижодкорлар меросига бағишланган китобчалар нашр этилади. Аммо биз бу янги ишда катта қийинчиликларга дуч келдик.

А. ЖУМАЕВ: Азиз Қаюмович, меросни ўрганиш ишига ҳозирги кун талабидан қараш нуқтаи назаридан менда ҳам бир мунча фикрлар анчадан буён пайдо бўлган. Сизнинг мулоҳазаларингизга қўшилган ҳолда шуни айтишим керакки, биз олим ва мутахассисларимизни оммабоп асарлар ёзишга «ўргатишимиз» керак. **Улар катта билим даражасига эга бўлган ҳолда оммабоп тилда ёзолмайдилар.** Олимларнинг кўпчилик қисми газета-журнал, радио ва телевидение услубини яхши эгалламаганлар. Бундайлар учун 5-10 қоғозлик мақола ёзишдан 20 босма тобоқлик академик услубдаги китоб ёзиш осонроқ. **Бу аҳволда биз халқимизнинг маданий ва бадиий савиясини кўтара олишимиз қийин.**

Ишни янгича услубда бошлаш керак. Ҳар икки тилда ва ҳатто кўп тилларда нашрларни қўлайтириш лозим. Жумҳуриятда яшаётган турли миллат вакиллари учун ҳар томонлама қизиқарли ва тушунарли бўлган Ўрта Осиё шу жумладан ўзбек халқи маданияти, урф-одатлари ва анъаналари тўғрисида ҳикоя қиладиган китобларни тайёрлаш керак.

Иккинчи масала маданий меросни сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилишни илмий-назарий методологияси асосини яратишдир. Ҳаракатномада бу ўз ифодасини топган. Бироқ уни кенгайтириш ва чуқурлаштириш керак. **Ҳозиргача биз маданий меросни ўрганишнинг илмий ёндошувини, уни баҳолаш ва ўрганиш принципларини ишлаб чиққанимиз йўқ.**

Ҳаракатномага Шарқ олимларининг мусиқа ҳақидаги қарашларини нашр эттириш иши кирганлиги кишини қувонтиради. Мен «Шарқ маданиятининг мусиқа ёдгорликлари» туркумидаги нашрларни орзиқиб кутаман. Жумҳуриятимиз мусиқашунослари масалан, Форобийнинг «Китоб ал-мусиқа ал-кабир» асарини чуқур ўрганиб, таржима қилиб нашрга тайёрласалар бажрилган иш аниқ кўзга кўринар эди. Бунинг учун куч ҳам, тажриба ҳам етарли. Бизда 30-50, 70-80 йилларда ўзбек музика санъатини ўрганишга доир назарий асарлар мавжуд ҳолда улар ҳозиргача нашр этилмаган. Масалан, музикашунос В .М. Беляевнинг тўрт қисмдан иборат Ўзбекистон ҳудудида музика маданияти тарихига оид китоби, «Фарғона мусиқаси», «Ўзбек мусиқаси ритмлари», санъатшунослик доктори И. Ражабовнинг «Мақомлар», «Шарқ мусиқаси терминлари луғати» ва бошқа асарлар қўлёзмалари нашриёт жовонларида йиллаб ётибди.

> • *Халқ анъаналари ва маросимлари тикланмоқда*
>
> • *Маданиятимиз дурдоналарини ўрганиш долзарб вазифа*
>
> • *Меъморчилик ёдгорликлари халқ мулки*
>
> • *Осори атиқалар юртимиз кўрки*

П. ЗОҲИДОВ: Ошкоралик осори атиқа оламига эндигина қадам қўймоқда. Қадимий ёдгорликларнинг қаровсизлиги, ночор аҳволдалиги, уларни асраш, таъмирлаш муаммолари ҳақида танқидий фикрлар ва норозиликлар кўпаяётганлигининг сабаби шундан. Юқорида тарихий обидаларни асраш, таъмирлаш муаммосини кўтариб тўғри қилдилар. Шуни очиқ тан олишимиз керакки, йиллар мобайнида биз ўз ишимизга лоқайдлик билан қарадик. Минглаб археологик ёдгорликлар бузиб ташланди. Ахир улар халқ ўтмишининг ўқилмаган саҳифалари эди-ку.

Яқинда СССР халқ депутатлари Бухоро ёдгорликларини сақлаш юзасидан катта муаммоларни кўтариб чиқдилар. Дарҳақиқат **Бухоро ёрдамга муҳтож. Ҳозир қадимий шаҳар келажагини белгилайдиган махсус қарор тайёрланмоқда. Бироқ биз алоҳида қарорни кутиб ўтиришимизга ҳожат йўқ. Афросиёб, Варахша, Қонқа, Пойкент каби қадимий шаҳар харобалари, Самарқанд Регистониде, Хива Ичон қалъасидек ва Бухоро Чор-Бакири каби маҳобатли меъморий ансамбларни таъмирлаш ишларини янги сифат даражасига кўтаришимиз керак.** Яқинда ЮНЕСКО Хивадаги Ичон қалъа меъморий қўриқхонани жаҳон аҳамиятидаги бебаҳо ёдгорликлар қаторига киритди. Энди Самарқанд ва Бухородаги ёдгорликлар ҳам шу рўйхатга киради. Демак, биз ўз ишимизни қайта кўриб чиқишимиз, ҳар бир меъморчилик обидаларига дунёвий назар билан қарашимиз керак. Жумладан, қуйидаги аниқ таклифларни ўртага ташлайман:

— осори атиқаларни сақлаш, ўрганиш, таъмир этиш, улардан фойдаланиш борасида жиддий тартиб ўрнатиш зарур. Давлат бошқарувидаги сансалорликка чек қўйиш, ҳар бир мутасадди ташкилотнинг вазифасини аниқ белгилаб, унинг жавобгарлигини аниқлаш вақти келди;

— ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги давлат қонунининг амалий таъсири сезилмайди, бу қонунни қайта ишлаш керак;

— ҳар бир қадимий шаҳарнинг тарихий қисмини таъмирлаш қурилиш ишларини бошқарадиган махсус трест ёки бошқарма тузиш керак. Худди шундай трест Тошкентда тузилди;

— мавжуд илмий-текшириш, лойиҳа, ўқув юртлари, музей ва бошқа ташкилотлардаги осори атиқаларга доир илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш марказини тузиш зарур;

— Ўзбекистон меъморчилиги, халқ санъати, унинг тарихи, назарияси ва амалиётига доир ўзбек тилида китоблар нашр этиш керак.

А. ЖУМАЕВ: — Пўлат Шоҳидовичнинг фикрларига эътибор бермасам масалалар масалаларга уланиб кетяпти. Адабий мерос ва меъморчилик осори атиқаларини ўрганиш масалалари бевосита ўлкашунослик муаммолари билан боғлиқ. Хизмат юзасидан жумҳуриятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлдим. Шунга аминманки, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос музика маданияти, табиий ва маданий бойликлари, анъаналари алоҳида тадқиқотни ва амалий ривожланишни талаб этади. **Бунинг учун жойлардаги маданият муассасаларини маблағ билан таъминлашни яхшилаш керак.** Ҳар бир халқнинг ўзига хос маънавий бойликларини ўрганишга турли халқ вакилларини жалб этиш яхши самара беради. Қўшни бўлиб яшаётган халқлар бир-бирларини чуқурроқ тушунадилар ва маданий меросларини яхшироқ ўзлаштирадилар. Бу ўзаро муносабатларни анча яхшилайди.

Ф. СУЛАЙМОНОВА: — Қўлёзмалар ва Шарқшунослик институтларида етарли қўлёзма асарлари бор. Тошбосма китоблар ҳам кўп. Фақат ана шу ноёб китобларни тадқиқ этиш ва чоп этиш зарур.

«Қадимги дунё ва Шарқ» мавзуида кенг кўламда илмий ишлар олиб бориляпти. Бироқ уни фаоллаштириш керак. Бу борада Азиз Пўлатович фикрини қўллаб-қувватлайман. Институтимизда қўлёзмаларни нашр этиш муаммоси ғоят мушкул бўлиб турибди. **Жумҳуриятимиз ва қардош жумҳуриятларда яшовчи аҳоли қўлида ҳам эски китоблар кўп. Уларни давлат мулкига айлантиришимиз керак.**

Қардош жумҳуриятлар ва чет элларда сақланаётган барча ёзма ёдгорликлар бизга қайтарилиши зарур. Қўлёзмалардан нусха олиш мақсадида чет элларга экспедициялар уюштиришнинг вақти келди. Партия Марказий Комитети «Мерос» ҳаракатномаси юзасидан иш бошлаб ҳаммамизнинг дилимиздаги мақсадларимизни кўзлабди. Барча илм аҳли мазкур ҳаракатноманинг амалга ошиши учун жон-дилидан хизмат қилишига ишонаман.

А. УМАРОВ: Авваламбор, мен Марказий Комитет ташаббусини — «Мерос» ҳаракатномасини табриклайман. Бу ўзида халқимизнинг кўп йиллик орзу-армонини мужассам этган. Юқорида ўртоқлар таъкидлаб ўтган фикрларни қўллаб туриб, шуни айтишим керакки, нашрлар базасини жиддий равишда мустаҳкамлаш даркор. Жойлардаги партия, совет органларининг шу соҳага оталиғини кучайтириш лозим.

Маданий меросни ўрганиш бўйича аввалларида кам иш қилинди, турғунлик йиллари бунга халақит берди, десак хато бўлар. Ўша пайтларда ҳам маълум даражада қарорлар қабул қилинган тадбирлар ишлаб чиқилган, бироқ амалда иш кўнгилдагидек бўлмаган. Энди эса **сўз билан иш бирлигини таъминлаш керак.**

Мазкур ҳаракатнома илгаригидек қоғозларда қолиб кетмаслиги учун энг аввало ижодий ва моддий замин яратишимиз керак. Маданият ва санъатни ривожлантириш, бадиий ижодни янги чўққиларга кўтариш учун сарфланадиган харажатлар етарли эмас. Бу ҳақда депутатларимиз ўз съездларида айтишди. Бироқ ҳали амалий ишга ўтилганича йўқ.

Муаммонинг яна бири шундаки, маданий меросга доир китоблар ва расмли альбомларни керакли миқдорда нашр этиш, уларни юқори нашр сифатини таъминлаш зарур. Келажакда махсус журналлар очиш, нашриётлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Қомуслар учун алоҳида босмахона базасини яратиш ва уни кенгайтириш, унинг технологиясини такомиллаштириш, етарли даражада қоғоз билан таъминлаш (зарур бўлганда сифатли қоғоз билан) керак.

Жойларда тарих ва санъатимизга доир музейларни, кўргазма залларини қуриш ва жиҳозлаш лозим.

Жойлардаги айрим партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг маданий савияси пастлиги, халқимизнинг маънавий қадриятларини тўғри тушунмаслиги катта зарар етказмоқда. Бу ҳақда Шаҳобиддин Сирожевич қисқача гапирдилар. Мен олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнида эгаллаётган касбидан қатъи назар маданий меросимиз тўғрисида тушунчалар бериб борилиши, халқ анъаналари, урф-одатлари тўғрисида маълумотга эга бўлишлари зарур, деб ўйлайман. Чунки, пайти келганда улар раҳбарлиқ лавозимини эгаллаб, халқнинг ҳар томонлама ривожланишига, дунёқарашининг шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши керак. Раҳбар онги, дунёқараши, билим даражаси у бошқараётган ташкилотнинг умумий маънавий қиёфасини белгилайди. Шу жиҳатдан партия ва совет ходимларининг маданий меросга муносабатини тубдан яхшилаш чораларини кўришимиз керак.

Э. РТВЕЛАДЗЕ: — Мен шу ўринда ҳаракатномани янада ишлаб қиёмига етказиш тарафдориман. Ютуқларимиз кўп, олиб бораётган ишларимиз ҳам ёмон эмас. Археология, шарқшунослик, адабиётшуносликка эътиборни янада кучайтириш лозим. Полиграфик базани кучайтириш ҳақидаги фикрларни қўллаб-қувватлайман. Негаки, нашр ишларида катта қийинчиликлар юз беряпти.

Барча ишни кадрлар, етук мутахассислар ҳал этади. Шу тўғрида жиддий иш олиб бориш лозим. **Ўлкашунослик ҳаракатини ривожлантириш ҳам муҳим масала. Бу жойларда кишиларни тарбиялашда катта ўрин эгаллашини унутмаслик керак.**

Телевидениеда шахснинг ўз давридаги ўрни ҳақидаги кўрсатувларга кенг ўрин ажратилса яхши бўларди. Мен Фурқат ижоди ана шундай ёритилишини жуда-жуда истардим.

Ф. АШРАФИЙ: «Мерос» ҳаракатномаси кўпгина ишларимиз учун асос бўлиб хизмат қилмоғи лозим. **Шу билан бирга антик ва ўрта аср тарихимиз, совет даврини кенгроқ ўрганиш шу кунинг талабидир.** Бугунги ўзбек санъатига ҳар томонлама баҳо бериш лозим.

Меморриал ёдгорликларимиз, уй-музейларимиз ғоят камлиги бизни ташвишлантирмоқда. Машҳур алломаларнинг уй-музейларини ташкил этиш ҳақида жиддий қайғуришимиз керак.

Машҳур «Шоҳнома» достони бўйича иккита музикали асар мавжуд. Бирига эрон бастакори куй басталаган. Иккинчисини эса М. Ашрафий амалга оширган. «Шоҳнома»нинг 1000 йиллиги муносабати билан ана шу куйлар янграши лозим. Мен бу масалани отамга боғлиқ бўлганлиги учун эмас, балки бир зиёли, шу соҳанинг мутахассиси сифатида кўтараяпман.

Халқимизнинг улкан маданият арбобларининг ҳайкаллари кам, шоҳ асарларнинг қаҳрамонларига бағишланган (масалан А. Навоийнинг «Ҳамса»сига) ҳайкалтарошлик ансамбларини кўпайтириш керак. Самарқанд, Бухоро, Хива каби музей шаҳарларнинг тарихий қисмини асраб-авайлашимиз лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукумати Тошкент шаҳрини комплекс таъмирлаш бўйича қарор қабул қилди. Энди ана шу тажрибани юқоридаги шаҳарларга ҳам тадбиқ этиш керак.

С. СТРИЖНЕВ: — Маданий меросни ўрганиш ҳар жиҳатдан бизнинг олдимизга катта вазифалар қўймоқда. Халқ қадимги маданияти ва санъатини оммага етказишнинг бирдан бир йўли нашриёт ишларини тубдан яхшилаш, нашрлар сифати ва сонини кескин кўтаришдир. Ҳозиргача қилган ишларимиз оз эмас. «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясида қатор классик шоир ва олимларимиз асарлари нашр этилди. Бироқ, бу қадимги маданий хазинага эҳтиёжи катта бўлган халқ талабини қондиролмаяпти.

Янаги йилдан бошлаб «Адабий ёдгорликлар» туркумидан китоблар чиқаришни йўлга қўямиз. 1991 йил Алишер Навоий йили ҳисобланади. Бу улуғ санага бағишлаб 78 босма тобоқ ҳажмида «Хазоин ул маъоний» китобини нашр этамизки, бу Ўрта Осиё китоб нашри тарихида биринчи марта амалга оширилади.

Жумҳуриятимиз китоб нашри ишлари юқори савиядаги бадиий асарларни чоп этишда ҳақли эътирозга сабаб бўлмоқда. Китобларнинг сифатидан аҳоли қониқмаяпти. Замонавий техника ва моддий ресурсларнинг чегараланганлиги белгиланган муддатда керакли миқдорда нашрларни чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Комитетга қарашли босмахоналардаги ускуналарнинг 30 фоиздан кўпроғи маънавий ва жисмоний жиҳатдан яроқсиз ҳолга келган. Рангли альбомлар ва қимматбаҳо нашрларни чоп этиш учун зарур бўлган юқори сифатли қоғозларни етказиб бериш даражаси паст.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукуматида китоб ва нашриёт ишлари масаласи алоҳида кўриб чиқилди. Нашриётлар фаолиятларини яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва китоб тарқатишни такомиллаштириш юзасидан конкрет чоралар белгиланди. Ана шуларнинг ҳаммаси ўйлайманки, ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини пропаганда қилишда ўз самарасини беради. Биз «Мерос» ҳаракатномаси юзасидан белгиланган барча вазифаларни бажариш учун бутун имкониятимизни ишга соламиз. Мавжуд резервларни қидириб топамиз. Асрлар давомида қати бузилмай, халқ кўзидан олисда қолган буюк меросни ҳозирги замоннинг юқори даражадаги нашрини таъминлаш учун ҳамма ишни қиламиз.

Ш. ЗИЁМОВ: Маданий меросимизни ўрганиш бўйича муҳим масалалар ўртага ташланди. Кун тартибидаги долзарб муаммолар анчагина. Ана шуларни назарда тутиб республика партия ташкилоти халқимиз маънавий дунёқарашини шакллантириш, ўзининг бой меросни ўрганиши учун зарур бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриш ташаббуси билан чиқди. Ана шу ташаббуснинг натижаси ўлароқ «Мерос» ҳаракатномаси вужудга келди. Марказий Комитет мафкура комиссияси ҳаракатнома юзасидан меҳнаткашларнинг, олим ва мутахассисларнинг, ёзувчи ва санъаткорларнинг таклиф ҳамда мулоҳазаларини доимий равишда ўрганиб боради.

Марказий Комитет тарихий ва маданий меросни ўрганиш бўйича ўзининг позициясини ўртага ташлади. Энди мутахассислар ва олимлар ана шу йўналишдан бориб, муаммоларни ҳал этишда жиддий ва асосли фикрларни ўртага ташлайдилар, деб умид қиламиз. Илмий, назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама манфаатли мулоҳазалар билан ўзимизнинг амалий ишимизни бойитиб бормоғимиз керак.

Марказий Комитет илмий жамоатчиликни, зиёлиларни, жамоат ташкилотларини ва барча меҳнаткашларни маданий меросимизни ўрганиш, уни қайта тиклашдек улуғ ишга сафарбар этади. Ишни ташкил этиш усул ва услублари ҳар қайси ташкилот ва муассасанинг ўзига боғлиқ. Унга ҳар ким ҳар хил ёндашиши мумкин. Лекин барча қарашлар ва услублар битта моҳиятга — халқ манфаатига, жамият ва давлат манфаатига мос бўлган улуғ меросимизни ўрганиш ишига қаратилган бўлмоғи керак. Ана шундагина биз олдимизга қўйилган мақсадга етишимиз мумкин.

Тарқоқликдан, алоҳида-алоҳида шуғулланишлар ва ҳар хил мунозаралар чиқишлардан воз кечиб, биргаликда, ҳамжиҳатлик билан умумхалқ манфаати йўлида иш тутсак ишимиз баракали бўлади, деб ўйлайман. «Мерос» ҳаракатномаси юзасидан ўртага ташланган барча самимий мулоҳазалар учун давра суҳбати қатнашчиларига миннатдорчилик билдирамиз. Ўйлайманки, жумҳуриятимиз олимлари, зиёлилари, ёзувчи ва санъаткорлари халқ билан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, бу хайрли вазифани мумкин қадар самаралироқ амалга оширишга киришадилар.

Суҳбатни З. ҲАКИМОВ, М. ПИРМАТОВ, Н. ЖУРАЕВ ёзиб олди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси юқорида айтилган «Мерос» ҳаракатномасининг бажарилишини ёритади ва шу мақсадда ойлик «Мерос» саҳифасини бериб боради.

Редакция «Мерос» ҳаракатномасидан ҳамда газета саҳифаси мазмун мундарижасидан келиб чиқиб, ўз муштарийларидан фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини ёзиб юборишин илтимос қилиб сўрайди. Улар меросимизга оид мақола, хабар, расм ва суратлар билан фаол қатнашадилар, деб умид қилади. Музейбоп ёки кутубхонабоп осори атиқалар, китоблар ва қўлёзмалар бўлса, редакцияга маълум қилишингизни сўраймиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти мазкур ноёб маданий ёдгорликларни сотиб олади. Шу билан Сиз, ҳурматли газетхон, халқимиз маданияти тарихи хазинасини йўқолиб бораётган ноёб бир асар билан бойитишга ҳисса қўшган бўласиз.

● *Янгиликдан хабарингиз борми?*

ҚЎШҚАВАТЛИ БОЗОР

● Тахиатош шаҳри гавжумлашиб қолди. Бу ерда эндн узоқ-яқиндан келган кишиларни ҳам кўп учратиш мумкин. Бунинг сабаби бор. Шаҳарда қишинёзин бирдай ишлайдиган марказий бозор қуриб фойдаланишга топширилди.

Қорақалпоғистон АССР матлубот жамиятига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси, Тахиатош бинокорлик конструкциялари ва деталлари заводи бозор комплексини қисқа муддатда қуриб берди. Автоном республика матлубот жамияти буюртмачи сифатида керакли материаллар ва ускуналарни вақтида етказиб бериб тургани қурилиш ишлари жадал олиб борилишига имконият яратди.

Бозор усти ёпиқ бўлиб, икки қаватдан иборат. Биринчи қаватда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қиладиган расталар бор. Иккинчи қаватда эса гўшт ва гўшт маҳсулотлари, саноат моллари магазинлари фаолият кўрсатяпти.

Янги бозор комплексида савдо қилувчилар учун қулайликлар яратилган. 2580 квадрат метр майдондаги бозор комплексида 40 ўринли меҳмонхона, ошхона, 80 ўринли чойхона ҳам хизмат кўрсата бошлади.

Эндиликда бу ерга Тошҳовуз, Хоразм, Бухоро, Самарқанд томонлардан ҳам одамлар кўп қатнайдиган, хилма-хил моллар билан савдо қиладиган бўлиб қолишди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОЛХОЗНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИДА

Ёрдамчи хўжаликнинг ўз усталари бор. Улар буюртмаларни ўз вақтида бажариб, эл ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

Бухоро районидаги «Маданият» колхози ёрдамчи хўжалигида турли цехлар мавжуд. Айниқса, тикувчилик цехи меҳнатчиларининг ишлари ибратга сазовор. Цехда 60 киши ишлайди. 70 уй бекаси бу цех билан шартнома тузиб буюртмаларни бажараётир.

Цехда ўн турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Ой мобайнида эса 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

Суратда: тикувчи Зилола Халилова.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

Сурат-ахборот

● «МЕҲР — ШАФҚАТ» ДАСТУРИ

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР УЧУН

● Самарқанд савдо институтининг «Миронкўл» янги санаторий-профилакторийси илк мижозларини қабул қилди. Улар бепул йўлланма билан таъминланган олий ўқув юртининг собиқ байналмилалчи жангчилари — қирқ нафар талабадир.

Бу ерда йилига 700 дан ортиқ талаба ўзларининг соғлигини тиклайдилар. Санаторий замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

«Миронкўл» санаторий-профилакторийсининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш мажмуасида.

Р. ҒОФУРОВ сурати (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

◆ Область касаба союзлари Советининг ташаббуси билан бир гуруҳ мутахассислар Конимех, Томди ва Учқудуқ районлари чорвадорлари ҳузурида бўлишди.

Областдан келган социал-таъминот, касаба союз ходимлари ишларни таҳлил қилиб, чўпонлар клубларида оммавий ишларни йўлга қўйишда ёрдам кўрсатишди.

Келгусида касаба союзлари бундай кўчма бригадалар хизматига доимий тус беришга қарор қилишди.

ЯНГИ МУЗЕЙ

◆ Чашман-Аюб тарихий ёдгорлиги биносида Бухоро давлат тарихий-меъморчилик қўриқхонасининг янги музейи очилди.

Унда қадимий шаҳар сув таъминоти тарихига бағишланган ашёлар намойиш этилмоқда. Музейни томоша қилган киши Бухоро кўчаларининг ер ости қувурлари, маҳалла ҳовузлари, ариқ ва булоқлари, Зарафшон воҳасининг қадимий мелиоратив тармоғи тўғрисида қизиқарли маълумотлар билан танишиши мумкин.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● *Бетга айтганнинг заҳри йўқ*

ТЕЛЕМИНОРА ҚАЧОН ЎРНАТИЛАДИ?

Республикамизнинг миллионлаб кишилари кечки пайт ўз хонадонларида телеэкран қаршисига тўпланиб, дунё воқеаларидан хабардор бўлишади, мириқиб куй-қўшиқлар эшитишади. Китоб районидаги Можмон, Жовуз, Ҳавзахона, Деновболо, Шут каби қишлоқларда истиқомат қилувчи мингдан зиёд аҳоли эса бундай имкониятга эга эмас. Чунки тоғли зона бўлгани учун бу ерларга эфир тўлқинлари етиб келмайди.

Тоғли қишлоқлар аҳолиси бир неча бор тегишли юқори ташкилотларга марказий ҳамда Тошкент телевидениеси кўрсатувларини олиб узатувчи иншоот қуриб беришни илтимос қилиб, мурожаат қилишганди. Лекин натижаси бўлмаяпти. Ҳалигача тоғли зонада узатувчи телеускуна ўрнатилгани йўқ. Оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим қуроли бўлган телевидениедан номлари тилга олинган қишлоқлар аҳолиси қачон бахраманд бўлишаркин? Қашқадарё область Совети ижроия комитетидаги масъул раҳбарлар бу саволга амалий иш билан жавоб берадиган пайт келди.

А. СУЮНОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ТОПИШМОҚ КОНЦЕРТЛАР

Дам олиш пайтларида «ойнаи жаҳон» орқали дилрабо куйлар ва қўшиқлар тинглаб, гўзал рақсларни томоша қилишга нима етсин! Аммо кўп ҳолларда навбатдаги концерт программасини кўриб бўлгач, ўз-ўзидан саволлар туғилади: дарвоқе, хонанда ким, шеър кимники, куйни ким бастага?! Негаки, «зангори экран» орқали топишмоқ концертлар ҳануз давом этяпти. Бунга 26 январь куни намойиш этилган эрталабки «Ассалому алайкум» информацион-музикали программаси яққол мисол бўлади.

Анча қизиқарли қилиб тузилган бу кўрсатувда ҳам одатдагидек, хонанда ва рақкосларнинг, қўшиққа айланган шеърларнинг муаллифлари ҳамда бастакорлар номлари эълон қилинмади.

Билишимча, телевидениедаги ўртоқлар информацион-музикали ва бошқа концерт программаларини олдиндан тайёрлаб, ёзиб олишади-да, вақтни тежаш мақсадида қўшиқ, рақс ижодкорлари ва ижрочиларнинг номларини «топиб олишни» томошабинларга ҳавола қилишади.

Айни мана шундай топишмоқ концертлар туфайли нечанг талантли хонанда, шоир, бастакорларнинг номлари томошабинларга етиб бормаяпти. Ахир, ҳар қандай қўшиқ ёки рақс уч ижодкор шоир, бастакор, хонанда ёки рақкоса томонидан яратилади-ку.

Уларнинг номларини билмай туриб, ижро этилган асарларга қандай баҳо бериш мумкин!

А. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган шаҳри.

● СПОРТ ●

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАР

● Футбол

Орзиқиб кутилган дамлар яқинлашмоқда. Минглаб мухлислар олдида маҳоратни намоён этадиган кунларга шайланмоқдамиз. Маълумки, коллективимиз мавсумга янги тренер бошчилигида тайёргарлик кўрмоқда. Футболчиларимизга устозлик қилаётган Фёдор Сергеевич Новиков ҳақида ишқибозлар озми-кўпми хабарлари бор. Сирасини айтганда, янги устоз коллектив муҳитига мослашди. Тажрибали тренер, меҳрибон мураббий сифатида ёшларга етакчилик қилмоқда.

У кишининг ихтиёри билан командамизга қабул қилинган 34 ёшли Хорен Оганесяннинг келиши ёмон бўлмади. Боиси, Хорен мухлислар ишончини оқлагандардан. Юзлаб учрашувларда кўп марта дарвозани нишонга олган. Олий лига коллективлари сафида, шунингдек, мамлакат терма командасида ўйнаб, эътибор қозонган. Машқини тобига етказган, катта тажриба тўплаган бу ўйинчини пахтакорчилар сафига қўшишдан мақсад уни ёшларга етакчи қилиш эди.

Гап янги қабул қилинганлар ҳақида борганда, яна бир неча ўйинчини тилга олиш мумкин. Чунончи, Ростов-Дон армиячиларидан ҳужумчи Виктор Концевенко амалда ўзини кўрсатмоқда. Титов номидаги олимпиада резервлари мактаби талабаси Ойбек Усмонхўжаев ҳам ҳимоя чизиғини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Александр Тихонов «Соҳибкор» ва «Нефтяник» коллективларида моҳоратини оширгани ўйинчилардан. Бу футболчига ҳам умид боғласа бўлади. Бундан ташқари «Пахтакор» футбол мактабидан таклиф этилган ҳужумчи Рифат Галеев билан «Шаҳрисабз» командасидан Талъат Шоаҳметов асосий составга аъзо бўлиш учун даъвогар бўлиб туришибди.

Командамиз футболчилари сафини мустаҳкамлаш важидан ўзига хос кўрик ўтказишга тўғри келди. Бунинг учун республикамиз шаҳарлари ва жойлардаги футбол коллективлари ўйинларини кузатиш, лаёқатли ўйинчиларни рўйхатга олиш каби юмушлар бажарилди. Шу мақсадда 31 нафар футболчининг маҳорати имтиҳонланди. Лекин улардан қайси бирининг «Пахтакор» составига киритилишини вақт кўрсатади. Бунинг учун улар расмий учрашувларда ўз имкониятларини намоён этишлари зарур. Мақсад — қандай бўлмасин, команданинг асосий составини таркиб топтирибгина қолмай, истиқболли ўйинчиларни саралаш, муҳими иноқ, замон талабига мос коллектив тузишдан иборат. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу сафар дарвозабон муаммосини ҳал этишга кўпроқ эътибор қилинмоқда. Ҳозир тажрибали Александр Яновский, Герман Безденежний ҳамда Евгений Рохалин билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг бири Тошкентнинг «Трактор» коллективида ўйнаган бўлса, иккинчиси Қўқоннинг «Автомобилчи» командаси дарвозасини қўриқлаган.

Мавсум арафасидаги ўйлар

Мавсумга ҳозирликда кўпроқ учрашувлар ўтказишга эътибор қилинди. Боиси, учрашув хоҳ расмий, хоҳ ўртоқлик бўлсин, йигитлар майдонда ўзларини бошқача ҳис этадилар. Тўп билан муомала қилишда, ташаббус кўрсатиб ҳужумга ўтишда ёки командадошлари билан ҳамкорликда уларнинг қандай ҳаракат қилишаётгани, ютуқ ва камчиликлари яққол кўринади. Шунинг учун умумжисмоний машқлардан кейин республика футбол коллективлари билан учрашувлар ўтказишга киришилди. Олий лига вакили — «Помир» футболчилари билан учрашувлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Трактор», «Сельмашчи» футболчилари билан ўйинлар ҳам дуруст бўлди.

Фарғонада маҳаллий «Нефтяник» спорт клуби соврини учун ўтказилган анъанавий турнир мавсумга ҳозирликнинг муҳим босқичига айланди. Биз бу учрашувларда ютиб чиқишни мақсад қилиб олмаган эдик. Балки коллективнинг бўш томонларини янада такомиллаштиришга, хусусан майдонда янги қабул қилинган футболчиларни синовдан ўтказишни кўзладик. Айтайлик, помирчилар билан учрашувда имконият бой берилган бўлса-да, ўзига хос составда ўйин кўрсатилди: Яновский, Ковшов (Тихонов), Билолов (Рўзимов), Микляев, Денисов, Оганесян, Бондаренко, Концевенко (Усмонхўжаев), Галеев, Шквирин ва Кабаевлар майдонга тушдилар. «Даугава» коллективи билан ўйинда эса баъзи ўйинчилар Ковшов, Тишин, Шоаҳметов ва Абдураимовлар билан алмаштирилди.

Фарғона учрашувларида икки ғалаба, бир дуранг натижа билан учинчи ўринни эгаллаганимиз мухлисларга маъқул келмас. Лекин Фарғонада фақат ютуқни ўйлаб, ички имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланишга аҳамият бермаганимизда бўлажак чемпионат ўйинларида баъзи қийинчиликларни бартараф этиш қийин кечармиди. Бу учрашувларда Денисов, Билолов ва Шквиринлар дарвозани нишонга олишда ўзларини кўрсатдилар. Асосий мусобақалардан кейин Ўзбекистон чемпионати қатнашчилари билан учрашувлар ўтказилди. Жойларда ишқибозлар даврасида бўлишга, уларни қизиқтирган саволларига жавоб қилишга тўғри келди. Фарғоналик ишқибозлар пахтакорчиларни эъзозлашлари, унинг келажагига катта умид боғлашлари маълум бўлди.

Маълумки, «Пахтакор» клуби хўжалик ҳисобида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўлидан бормоқда. Ҳозир 20 га яқин ўйинчи шартнома асосида профессионал футболчи тарзида ўйнашга келишган. Демак, футболчиларимизнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятлари янада кенгаяди. Ўйлаймизки, мавсумга тайёргарликнинг бу жиҳати ҳам ўзига хос омил бўлади. Пахтакорчилар чемпионат ўйинларини ГФР-нинг «Гут Брот» фирмасида тайёрланган футбол формаларида майдонга тушиш билан бошлайдилар. Йигитларимиз ишқибозларнинг умидларини рўёбга чиқаришга, ишончларини оқлашга ҳаракат қиладилар.

А. ТОЛИБЖОНОВ,
«Пахтакор» командаси тренери.

● Куюнчак газетхон хати

Шароит бўлмагач

Сирасини айтганда редакцияга мактуб йўлламоқчи эмасдим. Лекин, барча ўринишларим зое кетганидан кейин эътироз билдиришга мажбур бўлдим. Гап шундаки, биз яшаб турган Димитров номли колхозда ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун шароит етарли эмас. Колхозда жисмоний тарбия билан шуғулланиш, спортнинг бирор турига ихлос қўйишга имкон йўқ. Наҳотки мактабда ҳам спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратишнинг иложи бўлмаса? Мактабдошларимнинг кўпчилиги спортнинг бир қанча турларига қизиқадилар.

Ўзим боксчи бўлишни орзу қиламан. Спортнинг шу тури билан шуғулланиш учун шаҳарга қатнай бошладим. Олис йўл юришга тўғри келди. Бир йилу уч ой қатнаб, бокс ҳаддисини олабошлаган эдим. Маҳоратим ҳам ортаётганди. Афсуски, мактабимизда ўқув машғулотлари икки сменали қилиб ташкил этилди-ю, шаҳарга қатнай олмай қолдим. Боиси, ўқиш 12,45 да бошланади. Бокс машғулотлари эса соат 5 га тайинланган. Шу тариқа аросатда қолдим. Наҳотки колхозимизда, қолаверса мактабимизда спорт тўгараклари ташкил этиб, ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этишнинг иложи бўлмаса?!

С. РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл райони.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Етакчи, катта илмий ходимлар (3): липидли алмашув;

катта (2), **кичик илмий ходимлар** (2): цитохимия ва электрон микроскопия;

илмий ходим: биологик мембраналарни структуравий ташкил этиш.

Конкурс муддати — 18 мартгача.

Мурожаат учун · макон: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

●

Бутуниттифоқ енгил саноат раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш институтининг ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцент ва катта ўқитувчи: «тўқимачилик ишлаб чиқариши технологияси» курси бўйича;

доцент: «социализмни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» курси бўйича.

Конкурс муддати — 18 мартгача.

Мурожаат учун макон: 700031, Тошкент шаҳри, Баранов кўчаси, 40-уй.

●

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ўзбек тилида чиқадиган «ЭЛЕКТРОТЕХНИК» газетасининг муҳаррири вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда ихтисоси бўйича иш тажрибасига эга бўлган, газеталарда мақолалари босилган, юксак касб маҳорати савиясида кўп тиражли газетани мустақил чоп этишга лаёқатли журналистлар қатнаша оладилар.

Қуйидаги маконга мурожаат қилинсин: 700105, Тошкент шаҳри, Манжара кўчаси, 135-уй. Телефон 91-29-04.

●

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

электропайвандчилар, дурадгор-станокчилар, сувоқчи-бўёқчилар, ғишт терувчилар, бетончилар

КЕРАК

Маълумотлар юзасидан қуйидаги маконга мурожаат қилинсин: Қуйбишев район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими — Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 59-уй.

●

Бирлашмалар, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари диққатига!

«Ташгорглавснаб» нинг «Ташразноснаб» корхонаси ва Ўзбекистон ССР Госснабининг республика «Узспецодеждаопторг» бирлашмаси

ТУГАТИЛДИ

Бу ташкилотлар негизида Ўзбекистон ССР Госснабининг республика хўжалик ҳисобидаги кирим-чиқим нисбатлари ва махсус кийим-бошлар, коммунал ва маданий-маиший моллар билан улгуржи-савдо қилувчи

«УЗКОМБИТОПТОРГ» БИРЛАШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Барча даъволар 24 мартгача қуйидаги маконда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитетнинг масъул ходими А. Ҳўжаевга укаси

Абдумўмин ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Олий суди жамоаси Ўзбекистон ССР Олий судининг канцеляриси бошлиғи М. М. Ҳўжаевага отаси

Мансурхон Носирович ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзТАГ ҳузуридаги махсус республика

матбуот группаси хабар қилади:

● Хоразмда чет элдан ғайриоддий посилкалар келаётгани ҳақида овозалар тарқалди. Ҳақиқатан ҳам бир неча онла чет эл муҳри босилган кутилмаган бандероллар олди.

ПОСИЛКАЛАРНИНГ баъзилари ГФРдан, бошқалари Испаниядан келган бўлиб, уларни қандайдир «Туркистон редакцияси» йўллаган эди. Бу посилкаларда магнитофоннинг ихчам кассеталари жўнатилганлиги таъкид ҳам ҳайратга солди.

«ХОРИЖИЙ АМАКИ»ДАН КЕЛГАН СОВҒА

Кассеталар магнитафонга қўйилиши биланоқ жумбоқ ҳал бўлди-қолди. Мусиқий мукаддимадан сўнг кимдир соф ўзбек тилида гапира бошлади. Тингловчиларга ҳеч ким билмайдиган ва эшитмайдиган «Туркистон миллий тикланиш партияси» мурожаати тақдим этилади. Мурожаатда «коммунистик диктатура», «Совет босқинчилари», «Москва социал-империализми» ва шу каби жумлалар борлигидан унинг қандай тусдалигини билиб олиш мумкин. Хуллас, Советларга қарши одатдаги гаплар. Чамаси, «Туркистон редакцияси» каби сохта партия ҳам Ғарбнинг махсус мақкамалари қарамоғидаги «овоз»лардан бирига мансуб бўлса керак.

Бизнинг мафкуравий душманларимиз бўлган ва бундан кейин ҳам бундай душманларимиз бўлаверади. Лекин плёнкадаги овознинг республика турмушида яқин ўтмишда юз берган салбий ҳодисаларни қайта идрок этишимизга мослашишга, миллатлараро муносабатларга раҳна солишга уринишн ташвишга солади.

«Овозли мактублар»нинг муаллифлари нимага умид қилишмоқда? Масалан, ўша овоз Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг илдизлари бир ва улар ўзаро анъанавий мустаҳкам боғлиқ, дейди. Регион аҳли учун бу янгилик эмас. Лекин шундан кейин Совет ҳокимияти йилларида бу халқлар бир-биридан ажратиб юборилди ва «Москванинг қаттиқ зулми» остида яшамоқда, деган хулоса чиқарилади. Совет Иттифоқида мусулмонлар гўё тобора кўпроқ таъқиб этилаётганлиги билан бу фикрни исботламоқчи бўладилар.

Ҳа, тарихимизда шундай даврлар бўлганки, ҳар қандай дин социализмга душман деб қайта қуришга муваффақиятли хизмат қила олишини аста-секин тушуниб етмоқдамиз. Диндорлар ташаббуси билан ўтказилаётган меҳр-мурувват ва тинчлик тадбирларини эслаб кўрайлик.

Аммо магнит плёнкасидаги овоз тингловчиларни Ўзбекистондаги мусулмонлар чинакам виждон эркинлигига эга эмас, деб ишонтирмоқчи бўлади. Буни исботлаш учун рус диёрида христиан дини қабул қилинганлигининг 1000 йиллиги байрам қилинганлиги келтириб ўтилади. Мусулмонларнинг бундай кўламда тадбир ўтказиши мумкин эмас, дейилади. Бунга қандай жавоб қайтариш мумкин? Кассета ёзувини тайёрлаган кишилар православларнинг тантаналари билан бир вақтда мусулмонларнинг энг муқаддас китобларидан бири халифа Усмон Қуръони мусулмонларга қайтариб берилганлигини билмасликлари мумкин эмас, чунки бу ҳақда кўпгина оммавий ахборот воситалари хабар қилган.

Улар ўлкамизда таниқли дин арбоби, ватандошимиз Абу Иса ат Термизийнинг 1200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик авж олиб кетганлигини ҳам билмасликлари мумкин эмас. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари динея бошқармаси ҳайъатининг раиси Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф журналистлардан бири билан суҳбатда маълум қилганидек, юбилей тантаналари шу йил Ўзбекистонда ўтади ва республиканинг диний ҳаётида катта воқеа бўлади. Тантанада қатнашишга кўплаб чет эллик меҳмонлар таклиф этилган.

Хоразмда ҳам бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин. Ўтган йилнинг ўзидагина областда тўртта мачит очилди. Диндорлар ижтимоий фаолиятда қатнашмоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга яқинда бўлиб ўтган сайловда хоразмлик бир неча дин арбоблари овозга қўйилди. Бинобарин, мусулмонларга зулм ўтказилаётганлиги ҳақидаги уйдирмалар мутлақо асоссиздир.

Ўзбек халқининг тақдири учун «жонкуярлар» республика ва баъзи областларнинг пора олиб қамалган раҳбарлари гўё пул тўплаб Ўзбекистонда миллий ўзига хослик ва маданиятни сақлаб қолиш учун «Москванинг оғзини мойлаб туришган» деган гаплари эса, халқ ибораси билан айтганда, қипқизил бўҳтоннинг ўзи. Бу гап шарҳлашга ҳам арзимайди.

— Бундай мафкуравий қўпорувчилик ўтказишга уринишлар тез-тез қайд қилинмоқда, — деди Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети Хоразм область бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. М. Галаган. — Маълумки, ҳар йили Хоразмга жуда кўп хорижий туристлар келади, жумладан капиталистик мамлакатлардан 20 мингга яқин саёҳатчилар келиб-кетишади. Улардан баъзилари юртимизга фақат қадимий Хива меъморчилиги нодир ёдгорликларини кўриш учун келмайди, кўпинча улар ўзлари борган жойларида диний-мистик тусдаги адабиётларни ва бошқа тарғибот адабиётларини «унутиб» қолдирадилар. Улар одамларимизнинг меҳмондўстлиги ва одамийлигидан фойдаланиб, қандайдир маълумотларни, чунончи, диннинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш мақсадида улар билан суҳбатлашмоқчи бўладилар.

Мана энди магнитофон кассеталари пайдо бўлди. Умуман областда бундай ҳоллар жуда кўп қайд этилди. Кассеталарни кимга юборишни газеталардаги адреслардан билиб олишаётганга ўхшайди. Шуни таъкидламоқчиманки, ана шу мафкуравий тазйиқ ташкилотчиларининг режалари барбод бўлмоқда. «Хорижий амаки»лардан «совға» олган кишиларнинг ўзлари кассеталарни бизга олиб келишмоқда. Маълум сабабларга кўра, уларнинг номини айтмаймиз. Улар ҳалол ва пок меҳнатчилар, диёнатли одамлардир.

Яна бир муҳим жиҳати, кассета ўралган бандеролларнинг ҳаммаси областимизга пул тўлаб олинадиган қилиб жўнатилган. Бундай бандеролларни бир неча чегарадан олиб ўтиш анча қимматга тушади. Чамаси, бундай кассеталарни жўнатувчилар ўз режаларининг муваффақиятли чиқишига ишонмаган бўлсалар керак. Худди шундай бўлмоқда.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02600. № 50. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12